



ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Низамов Кутбиддин Фазлидинович
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
Тингловчиси

Корпоратив бошқарув олдиндан мавжуд, шунингдек ушбу атама янги ҳамдир²⁴⁷. Бунга корпоратив бошқарув органлари томонидан фаолияти самарали ташкил етилиб келинаётган йирик аксиядорлик компаниялари, трансмиллий корпоратсиялар ва ҳокозоларнинг миллий ва жаҳон иқтисодиётидаги ўрни сабаб бўлмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда дунёнинг деярли барча мамлакатларида, хусусан мамлакатимизда ҳам корпоратив бошқарув тизимини самарали ташкил етиш масаласига жиддий еътибор қаратилиб келинмоқда. Келтирилаётган жиҳатлар сабаб корпоратив бошқарувнинг иқтисодий моҳияти, унинг мақсад ва вазифаларини тўғри англаш мақсадга мувофиқ.

Йирик корпоратив тузилмаларнинг ташкил етилиши XX асрда иқтисодий ривожланишнинг муҳим тенденцияси бўлди. Корпоратсиялар ўз ривожланиш ёлида ва уларнинг жамият томонидан қабул қилинишида фан-техника, иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳоли малакаси, маълумот даражаси билан боғлиқ қатор босқичларни босиб ўтди. Мазкур босқичларнинг ҳар бирида корпоратсиялар вужудга келтиришга ҳар бир мамлакатда юзага келган корпоратив маданият катта таъсир кўрсатди. Ҳозирги вақтда корпоратив секторда маҳсулот ва хизматларнинг асосий қисми ишлаб чиқарилмоқда. Сон нисбатига кўра саноати ривожланган мамлакатларда корпоратсиялар, корпоратсияларнинг умумий сонинда катта салмоққа эга.

Республикамизда ҳам иқтисодий тараққиётни таъминлаш мақсадида корпоратив тузилмалар, хусусан аксиядорлик жамиятлари фаолиятини самарали ташкил етиш мақсадида қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Ҳозирги кунга келиб корпоратив бошқарув механизмлари юқори даражада ривожланган мамлакатлардан бири шубҳасиз Корея Республикаси ҳисобланади. Мамлакат иқтисодиётида чеболлар деб номланувчи трансмиллий корпоратсияларнинг ўрни беқиёсдир. Йирик бизнес вакиллари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 50 фоиздан кўпроқ қисмини ишлаб чиқаришининг ўзи ҳам бу каби ТМКларнинг юқори даражада ривожланганлигини кўрсатиб беради. Албатта бунда корпоратив бошқарув тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги катта аҳамият касб этади. Кореяда корпоратив бошқарувнинг яхшиланиши кўплаб омилар, мулкчиликдаги енг муҳим ўзгаришлар, шу жумладан каттароқ ташқи (ташқи) мулкчилик ва чуқур институтсионал ислоҳотлар, шу жумладан


²⁴⁷ Bob Tricker. Corporate governance: principles, policies and practices. – UK.: Oxford university press, 2012. – P. 4.

озчиликларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва ташқи директорлардан кўпроқ вакилликни талаб қиладиган комбинатсиялар билан изоҳланиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда такидлаш мумкинки, **бирлашишлар** натижасида мавжуд икки ёки ундан ортиқ компаниялар асосида янги компания вужудга келади. Бунда янги компания ўзининг таркибини ташкил етган асос компанияларнинг барча активлари ва мажбуриятларини ўз назорати ва бошқаруви остига олади. Амалиётда компаниялар ўртасида қўшилиш деган тушунча ҳам борки, бунда бир неча компаниялар ўзаро бирлашади ва бунинг натижасида улардан фақат биттаси рақобат муҳитида тирик қолади, қолганлари еса ўз мустақил фаолият юритиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ҳолда фаолиятини тугатади.

Қўшиб олишлар натижасида бир компаниянинг 'бошқа бир компанияни ўз назорати остига олиши, унга бўлган мутлақ ёки қисман егалик ҳуқуқини қолга киритган ҳолда уни бошқариши, аксарият ҳолатларда қўшиб олинадиган компаниянинг бозордаги аксияларини сотиб олиш йўли билан амалга оширилади.

Молиявий таҳлилчилар компаниялар ўртасидаги интегратсиядан келиб чиққан ҳолда корпоратив бирлашиш ва қўшиб олишлари одатда учта типга ажратадилар (1-расм):



1-расм. **Ўзаро боғлиқликдан келиб чиққан ҳолда корпоратив бирлашишлар ва қўшиб олишларнинг таснифланиши**

1. **Горизонтал бирлашиш ва қўшиб олиш.** Бу типга битта тармоқда фаолият кўрсатувчи компанияларнинг ўзаро бирлашиши ёки қўшиб олиниши ҳолатларини киритиш мумкин. Бундай компаниялар бозорда ўзаро рақобатчилар ҳисобланади. Бунга 2005-йилда "Ўзсувйжойжамғармабанк" ва "Заминбанк"нинг ўзаро бирлашишини мисол сифатида келтириш мумкин.

2. **Вертикал қўшиб олиш.** Вертикал қўшиб олиш ўзаро боғлиқ тармоқларда йирик компания томонидан бизнеснинг турли



босқичларидаги компанияларни ўзига жалб этиш орқали фаолиятни ташкил этишни кўзда тутди. Масалан, авиакомпанияларнинг туризм агентликларини ўзига қўшиб олишни вертикал қўшиб олиш сифатида келтириш мумкин.

3. **Конгломерат қўшиб олиш.** Фаолият ё'налишлари ўзаро боғлиқ болмаган компанияларнинг бин томонидан иккинчисининг қўшиб олиниши конгломерат қўшиб олишни англатади. Бунга мисол сифатида компьютерлар ишлаб чиқарувчи компаниянинг ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияни қўшиб олишни келтириш мумкин.

Ўзаро бирлашаётган ёки қўшиб олинаётган компанияларнинг мамлакатларга мансублигидан келиб чиққан ҳолда бирлашиш ва қўшиб олишлари қўйидаги икки турга ажратиш мумкин:

- **миллий бирлашишлар** - битта давлатда жойлашган компанияларнинг ўзаро бирлашиши;

- **трансмиллий бирлашишлар** - турли давлатларда жойлашган компанияларнинг ўзаро бирлашиши ёки бошқа мамлакатларда жойлашган компанияларни қўшиб олиш.

Компанияларнинг фойда ҳажмини максималлаштириш ва бу орқали компания бозор қийматини оширишга бўлган интилишларидан келиб чиқиб, корпоратив бирлашиш ёки қўшиб олиш бўйича битимлари амалга оширишга ундовчи асосий таъсир элементлари сифатида қўйидагилари келтириш мумкин:

-қўшиб олинган компанияга юқори даражали бошқарув тизимини олиб кириш ва замонавий бошқарув технологияларини жорий этиш орқали фаолият самарадорлигини ошириш.

- таъминотчилар билан ишлаш самарадорлигини ошириш.

- такрорланувчи вазифа ва функцияларларга барҳам бериш.

-молия бозорида устунликка ега болиш.

- ресурслар бўйича бир-бирини тўлдириш имконияти.

-йирик шартномалари қўлга киритиш имконияти.

-ўзаро рақобатни четлаб ўтиш ва монополия ўратиш имконияти.

-фаолиятни диверсификациялаш имконияти.

- қўшимча ахборотлари қўлга киритиш имконияти.

-компаниянинг бозор баҳоси билан унинг активлари ўртасидаги салбий тафовутдан фойдаланиш имконияти.

-компаниянинг ликвидацион қиймати билан активлар қиймати ўртасидаги тафовутдан фойдаланиш (болиб-бўлиб сотиш) имконияти.

- қўшиб олинишдан ҳимояланиш имконияти.

Юқоридагиларга қўшимча сифатида аксарият амалга

ошириладиган бирлашиш ёки қўшиб олишларнинг асосида янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, янги технологияларга капитал киритишда



тежамкорликка еришиш, ҳаддан ташқари кўп сонли бошқарув ходимлари фаолиятини юритиш учун ажратиладиган маъмурий харажатлами қисқартириш орқали тежамкорликка еришиш имкониятларини ҳам келтириш мумкин.

Компания бошқа компанияни активларининг катта қисмини сотиб олиш орқали ҳам қўлга киритиши мумкин. Бу амалий жиҳатдан компанияни сотиб олиш билан бир хил. Лекин бундай ҳолатда қўшиб олиш объекти активларини сотиши биланоқ юридик шахс сифатида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур емас. Аксиядорлар томонидан тугатиш ҳақида қарор қабул қилинмайди ва бу ниқоб сифатида амал қилади.

Қўшиб олишнинг бу усули сотиладиган компания аксиядорларининг расмий розилигини талаб қилади. Бундай ёндашувнинг афзалликларидан бири ўз аксияларини сотишни рад етувчи камчилик аксиядорлар билан боглиқ муаммолар юзага келмайди. Бошқа томондан активлами қўшиб олиш аниқ турдаги активларга мулкчилик титулини ўтказиш кўзда тутилади ва активларни ўтказишнинг юридик жараёни анча-мунча харажатлами талаб қилиши мумкин.

Амалиётда “Компания устидан назоратни қўлга олиш” тушунчаси ҳам кўп қолланади. Бу тушунча умумлаштирилган ва кенг тушунча сифатида қўлланилиб, компания бошқарувининг бир гуруҳ аксиядорлар қўлидан бошқасига ўтишини англатади. Бундай тавсиф қўйидаги учта ҳолатдан ҳар бирига мос келади: компанияни қўшиб олиш; амалдаги раҳбариятни четлаштириш мақсадида аксиядорларнинг сезиларли қисмини ўз томонига оғдириб олиш ёли билан компания устидан назоратни қўлга олиш (прохй сонтест); аксиядорлик капиталининг алоҳида гуруҳлар тўлиқ хусусий мулки сифатида ўтказиш ёли билан назоратни қўлга олиш ёки ОАЖдан ЁАЖга ўтказиш. Келтирилган бундай усул оддий қўшиб олиш тушунчасига нисбатан бирмунча кенг тушунча ҳисобланади.

Назоратни қўлга олиш малум бир гуруҳ аксиядорларнинг директорлар кенгаши (кузатув кенгашининг янги таркибига овоз бериш ва янги таркибдаги директорлар кенгашини шакллантириш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу жараён “аксиядорлар гуруҳларининг ҳал қилувчи овоз беришга интилиши” сифатида баҳоланади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Електрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 майдаги, ПҚ-3724-сонли Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли Қарори



3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида крипто-биржалар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3826-сонли Қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3827-сонли Қарори

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 18 майдаги, ПҚ-4321-сонли Қарори

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 28 апрелдаги, ПҚ-4699-сонли Қарори

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувига рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2018 йил 13 декабрдаги, ПФ-5598-сонли Фармони